


## Фикр дурдоналари (31-қисм)



18:36 / 25.04.2017 4572

**156.** Ҳар бир бахтли эркакнинг ортида солиҳа аёл бор.

**157.** Аёл уч кишини ёқтирмайди:

1. Ўзидан чиройлироқ аёлни.
2. Ёшини сўраган кишини.
3. Ўтмишини сўраган кишини.

**158.** Бойнинг зийнати саховат. Фақирнинг зийнати қаноат. Аёлнинг зийнати иффат.

**159.** Аёл аввал кўзи билан яхши кўради. Кейин қалби билан яхши кўради. Охирида ақли билан яхши кўради.

**160.** Иффат каби аёлнинг қадрини оширадиган нарса йўқ.

*Қуйидаги маълумотлар фейсбукдаги “Роваиъул фикр” (Фикр дурдоналари), “Ховатир роқия” (Салмоқли фикрлар) каби саҳифалардан олинган.*

**Нозимжон Ҳошимжон таржимаси**